(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, бугунги кунда Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ салбий оқибатлар нафақат мамлакатимизнинг, балки Марказий Осиё минтақасининг глобал экологик муаммосига айланиб улгурган. Юртимизда ушбу муаммонинг салбий таъсирини камайтириш, минтақа аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада тегишли давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида талай сасалари барпо этилмоқда. Магистрал коллекторлар қайта қурилиб, ичимлик суви билан таъминлаш тизими барпо этилмоқда ва реконструкция қилинмоқда. Қўнғирот сода заводи ишга туширилди, газ ва нефть қидириш ҳамда қазиб олиш ишлари кўлами тобора кенгайиб бораётир.

Бундан ташқари, Орол денгизининг суви чекиниши туфайли ҳосил бўлган шўрхок ерларда шароитга мос ўсимлик ва дов-дарахтлар экишга киришилди. Оролнинг суви қуриган тубида ўрмонзор барпо этилди. У ерда гармселни қайтараётган, зарарли тузлар-

# ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

нинг ҳавога кўтарилишининг олдини олиш мақсадида саксовуллар, черкез, юлғун, кандим ва ушбу табиий шароитга мос, қўшимча сув талаб этмайдиган бошқа ўсимликлар экилди. Шу тариқа шамол таъсири остида тупроқ емирилиши камаймоқда, кўчиши мумкин бўлган қумлар мустаҳкамланмоқда, захи қочган ерларни хўжалик фаолиятида фойдаланиш учун жалб этиш имконияти пайдо бўлаётир.

Оролнинг қуриган қисмида қум кўчкиларини қотириш, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли ўсимликлар экиш ҳисобидан шўрхок ерларни ўзлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса бўш ётган ҳудудлардан яйлов сифатида фойдаланиш, пировардида чорвачиликни ривожлантириш имконини беради. Амударё дельтасида умумий сув майдони 150 минг гектардан ошадиган сув ҳавзалари ташкил этилмоқда. Бу ерда балиқчилик хўжаликлари иш бошлади. Буларнинг барчаси минтақани иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, биохилма-хилликни тиклаш ва иқлимни яхшилашга хизмат қилади.

ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Орол денгизи ҳавзаси лойиҳаларини амалга оширишни бошқариш ва GEF (Глобал экологик жамғарма) агентлиги, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия қўмитасининг Нукус филиали республика тузилмалари билан ҳамкорликда аниқ мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш орқали экологик таназзулни енгиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мамлакатимиз Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ҳамда улардан фойдаланиш конвенциясига қўшилган. Оролбўйи ҳудудига кирадиган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини умумий ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли дастурлар изчил амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизда 2008 йилнинг март ойида ўтказилган Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирларига бағишланган халқаро конференция мазкур ҳудудда экологик таназзул оқибатларини бартараф этиш бўйича янги ҳамда янада самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича яратилган қулай шарт-шароитлар Оролбўйидаги вазиятни ўнглашга ёрдам бермоқда. Замонавий коллежлар, лицейлар, мактаблар, даволаш муас-

Аммо Орол муаммосини бартараф этиш учун ҳали кўп иш қилиш зарур. Президентимиз ўз нутқида таъкидлаганидек, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Бугун жаҳонда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланаётир. Айниқса, рақамли технологиялар ва интернетнинг кундалик ҳаётимизга фаол кириб бораётгани жамоатчиликка ахборот узатиш тизимини такомиллаштирди. Хусусан, реклама соҳаси изчил тараққий топиб, унинг янги қирралари юзага келаяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, ушбу соҳа айни пайтда энг сердаромад тармоқлардан бирига айланди. Интернет манбаларида қайд этилишича, дунё реклама бозорининг йиллик даромади салкам 400 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.***

# РЕКЛАМА БЕРИШ МАСЪУЛИЯТИ

## қонун билан мустаҳкамланмоқда

Сир эмас, бундай катта даромад манбаи бўлган соҳадан ўз манфаати, ғаразли мақсадлари йўлида, мўмай пул топиш истагида фойдаланувчилар кўпайиши жамият ҳаётига катта хавф туғдириши мумкин. Зеро, оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилинаётган айрим товар ва хизматлар рекламасида кишиларни чалғитадиган, нотўғри тасаввур уйғотадиган маълумотлар ҳам берилмоқда. Шу билан бирга, хорижий тилдаги рекламаларни нотўғри ёки маъносини бузиб таржима қилиш, уларни маълум бир давлат идоралари томонидан "тавсия этилган" қабилида берилиши ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларининг жиддий тарзда бузилишига сабаб бўлаётир. Шу боис реклама соҳаси қонунчилигини янада такомиллаштириш талаб қилинаётганди. Айниқса, ёш авлод онгига салбий таъсир кўрсатадиган, уларни турли номақбул одатларга, ишларга ундайдиган рекламаларнинг олдини олиш зарурлиги бугун кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама этилмоқда.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида жамият ҳаётининг ҳеч бир жабҳасини рекламасиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Х. Алимова. — Чунки реклама кундалик эҳтиёжга, аниқроқ айтадиган бўлсак, бозор талабига айланиб қолди. Сабаби, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва турлари кўпайгани сари ишлаб чиқарувчилар орасида рақобат ҳам кескин ўсиб бормоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишда ҳар бир корхона рекламадан кенг фойдаланади. Чунки реклама маҳсулотни кўпроқ ва тезроқ сотиш ҳамда даромад олишда ўзига хос ўрин тутади.

Шу маънода, яқинда кучга кирган "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $178^1$-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур муаммони ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Сенатор Х. Алимованинг қайд этишича, ушбу Қонунда ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки реклама истеъмолчиларини чалғитишга олиб келувчи хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш ҳолатлари, шунингдек, жамият манфаатлари камситилишининг олдини олиш ҳамда тил қоидаларига зид бўлган хорижий сўзларнинг ишлатилиши тартибга солинган. Жумладан, "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг иккинчи қисми ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланишни тақиқловчи норма билан тўлдирилди. Маълумки, ҳозирда маҳсулот харидоргирлигини ошириш мақсадида реклама берувчилар томонидан реклама маҳсулотлари

### Қонун кучга кирди

давлат органлари (Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" ва ҳоказолар) томонидан маъқулланганлиги қайд этилиб, реклама тарқатилмоқда. Замонавий бозорда эса реклама берувчи ва сотувчилар, аҳоли учун аҳамиятли бўлган бирон бир идора ёки ташкилот фикрига эмас, балки таклиф этилаётган товарнинг сифатига асосланиши лозим. Шу муносабат билан амалдаги Қонуннинг 6-моддаси иккинчи қисмида маҳсулот давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар мамлакатимиз ички бозорига алкоголь маҳсулотларини киритишда рекламанинг ҳар қандай усулларидан фойдаланиб, ушбу маҳсулотларнинг ёш авлодга ва миллий қадриятларга салбий таъсир кўрсатишини эътибордан четда қолдирмоқда. Маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгисини реклама қилиш орқали истеъмолчиларнинг эътибори минерал сувга қаратилаётган бўлса-да, аслида бир хил номга эга бўлгани боис, кўпчилик харидорларга арақ маҳсулоти эслатилиб ўтилади. Бу ноқонуний ҳисобланади. Бундай реклама усули "соябон реклама" қўллаш тажрибаси, деб ҳам айтилади. Кўпгина алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бундай тажрибадан яхшигина бохабардир. Шунингдек, бир хил номга эга бўлган спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари рекламаси минерал сув, лимонад ҳамда бошқа маҳсулотларнинг ташқи рекламаси орқали амалга оширилмоқда.

Мазкур Қонунга мувофиқ, маҳсулотнинг товар ёки хизмат кўрсатиш белгисини реклама қилиш тақиқланган ёхуд тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотнинг рекламаси кўринишида реклама қилиш тақиқланади.

— Шу билан бир қаторда, қабул қилинган ҳуқуқий мажмуада реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва реклама тарқатувчилар томонидан қонун нормалари бузилган тақдирда, ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин бўлган жарималар миқдори аниқлаштирилди, — дейди сенатор Х. Алимова. — Чунончи, нотўғри реклама берганлик, аксилреклама беришдан бош тортганлик, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик учун энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатида бажармаганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик учун энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жаримага тортилиши белгилаб қўйилди. Айни пайтда реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жаримага тортилиши белгиланди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $178^1$-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун билан реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчиларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, рекламада нотўғри маълумотлар берилиши, аксилреклама бериш тартиби, реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатларнинг давлат ваколатли органига тақдим этилиши тартибга солинди. Энг муҳими, реклама бозорида ҳалол муносабатларнинг қарор топишига, умумэътироф этилган ахлоқ нормаларига зид бўлган реклама маҳсулотларининг олдини олишга зарур ҳуқуқий асослар яратилди.

**Қ. ХИДИРОВ тайёрлади.**

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ САМАРАСИ

***Мамлакатимизда ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жалб этиш, саноат корхоналарини модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Буни Нукус туманидаги "Нукус — Агро" масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.***




**СУРАТДА:** корхона ишчилари Санъат Танабергенов ва Асан Тлеуов иш устида.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Гап шундаки, у иқтисодий жиҳатдан ночор бўлиб қолган "Қорақалпоқ томат" корхонаси негизида ташкил этилган эди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг молиявий кўмаги билан 49 миллион сўмлик қурилиш, 17 миллион сўмлик қайта таъмирлаш ишлари бажарилди ва Италиянинг "Alberto Bertuzzi" фирмасининг замонавий ускуналари билан жиҳозланди. Натижада корхонада соатига 10 тонна хом ашёни қайта ишлаш имкони яратилди.

— Нукус туманидаги 251 фермер хўжалигидан 5474 тонна помидор харид қилиш бўйича шартнома тузганмиз, — дейди жамият раиси Кенгесбой Есназаров. — Бундан ташқари, корхонамиз тасарруфидаги 75 гектар ерда 1500 тонна помидор етиштирдик. Хом ашё кўп бўлгани учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бораяпти.

Эътиборли жиҳати, янги корхона фаолият бошлагач, 132 нафар ёш йигит-қиз доимий иш жойига эга бўлди. Жорий мавсумда улар 687 тонна томат пастаси ишлаб чиқариш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан шу йил 28 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор ижросини изчил таъминлаш мақсадида мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни амалга оширмоқда.***

# БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ – АМАЛДА

Амнистия туфайли жазони ижро этиш жойларидан озод қилинаётган шахсларнинг жамиятга мослашишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши, иш билан таъминланиши уларнинг кейинги тақдирига, ҳаётда тўғри йўл топишига ёрдам бериши, шубҳасиз.

### Қарор ва ижро

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган аёллар колониясида мазкур қарорнинг ижросини таъминлашга бағишланган навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор юртимизда инсонпарварлик тамойили устувор эканининг яна бир далилидир, — дейди Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди судьяси Дилшод Иззатов. — Азалдан билмай хато қилганни ёки қилмишидан пушаймон бўлганларни кечириш, уларга яна имкон бериш халқимизга хос бағрикенглик ифодасидир. Амнистия акти замирида ҳам шундай буюк инсонпарварлик мужассамдир. Бундай бағрикенглик ва кечиримлилик, айниқса, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этади. Амнистиянинг суд томонидан қўлланилаётгани инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизмини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, қарорда жазодан озод этилиши кўзда тутилганлар орасида аёлларга алоҳида эътибор қаратилган. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган ва оқибатда озодликдан маҳрум қилинган аёлларнинг кўпчилиги жазони ўташ жараёнида хатоларини чуқур англаб етади. Боиси улар учун оила ва фарзандидан айри яшашдан кўра оғирроқ жазо йўқ.

— Оилам, фарзандларимдан айро ўтган кунларимда дунёдаги ҳар қандай мол-мулк, ҳоюю ҳавас яқинлардан азиз бўла олмаслигини чуқур англадим, — дейди амнистия шарофати билан жазодан озод этилган пойтахтлик Наргиза Қосимова. — Аслида аёл нафақат оилада, балки жамиятда ҳам ўз ўрнини йўқотмасликка ҳаракат қилиши кераклигини, бунинг учун ҳалол меҳнат — чин бахт эканини, афсуски, кечроқ тушуниб етдим. Бировнинг ҳақига хиёнат қилиш, фирибгарликнинг оқибати инсонни қай аҳволга солишини бошимдан ўтказдим. Юртбошимиз томонидан мен каби адашганларга нисбатан кўрсатилган ғамхўрлик ҳаёт йўлимни бутунлай ўзгартиради, энди ҳалол меҳнат қилиб яшайман, деб қатъий ишонч билан айта оламан.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Андижон вилоятида ҳам мазкур Фармон асосида кўплаб замонавий савдо мажмуалари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Шулардан бири

# ҚИШЛОҚЛАРДАГИ ЗАМОНАВИЙ САВДО МАЖМУАЛАРИ

## аҳолига сифатли ва кафолатли хизмат кўрсатиш имконини бермоқда

Хўжаобод туманида қурилган бўлиб, у эндиликда вилоятдаги энг гавжум савдо масканларидан бирига айланди. Замонавий талаблар асосида қуриб битказилган 20 та савдо дўконида, асосан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат, саноат ва тўқимачилик маҳсулотлари сотилаётир. Шу билан бирга, минибанк ва дорихона ҳам аҳоли хизматида.

— Илгарилари дўконлар пештахталарини маҳсулотлар билан тўлдириш учун савдо ходими базама-база елиб-югурарди, — дейди мажмуа раҳбари Эргашали Мўминов. — Маҳсулот қўлга киргач, транспорт воситасини топиш, унга юклаш, дўконга олиб келиб, омборга ташиш сингари оворагарчиликлар ҳам савдо ходимларининг зиммасида эди. Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралари ташкил этилгач, юқоридаги сингари ҳолатлар барҳам топди. Ходимларимиз аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, "Андижонгўштсутсавдо" масъулияти чекланган жамиятига буюртмалар бермоқда. Буюртма эса таъминотчиларни ҳаракатга келтираётир. Улар Тошкентдаги "Газмол", "Кийим", "Пойабзал ва спорт моллари" сингари ихтисослаштирилган улгуржи база-идоралардан исталган турдаги маҳсулотларни ўз вақтида олиб келмоқдалар. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарнинг иши юришмоқда. Нақд пул тушуми миқдори ортаяпти. Биргина бизнинг жамоамиз ўтган ойда аҳолига 212 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатди.

Ўтган йили аҳолига, айниқса, олис қишлоқлар аҳлига савдо хизмати кўрсатиш кўламини кенгайтириш, сервис хизматини яхшилаш мақсадида база қошида 13 та янги фирма дўкони ташкил этилди. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳамда таъминотчилар билан умумий қиймати 27,8 миллиард сўмлик 463 та шартнома имзоланди. Бундан ташқари, 760 та чакана савдо шохобчасига шартнома асосида 27,4 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Айни кунда жамоа мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишга ҳам эътибор қаратаётир. Кунига 600 килограмм миқдорда қолипли нон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган цех бутунлай қайта таъмирланди. Бир кеча-кундузда 550 килограмм қандолат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган цех, кунига 500 килограмм макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини берадиган корхона қуриб битказилди.

Мамлакатимиз раҳбари шу йилнинг баҳорида Андижонга ташрифи чоғида биз юқорида айтиб ўтган Хўжаободдаги савдо мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишар экан, жумладан, шундай дедилар:

— Одамларнинг онгу шуури, дунёқараши бутунлай ўзгарди. Бугун улар, аввало, сифатли маҳсулотни харид қилади. Демак, мажмуада сотилаётган ҳар бир маҳсулот, кўрсатилаётган хизмат бугунги кун талабига жавоб бериши керак.

Юртбошимизнинг бу даъвати соҳа ходимларини руҳлантириш баробарида, зиммаларига юксак масъулият ҳам юклайди. Изланиб, бор имкониятини ишга солиб меҳнат қилишга ундайди. Таъминотчилар истеъмол бозорида нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида умумий қиймати 9,5 миллиард сўмни ташкил қилувчи 180 та шартнома имзолади. 584 та чакана савдо субъекти ҳамда хўжалик юритувчилар 9,7 миллиард сўмликдан иборат турли хилдаги маҳсулотлар билан таъминланди. Шунингдек, аҳолини қиш ҳамда баҳор мавсумида сабзавот, мева, гуруч, дон ва бошқа маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида захира яратишга киришдилар.

Суви зар, тупроғи олтин бўлган серқуёш заминимизнинг ширин-шакар мевалари, тилими тилни ёрадиган полиз маҳсулотларига хорижликлар азалдан катта қизиқиш билан қараганлар. Манфаатли ҳамкорлик ўрнатганлар. Андижонлик таъминотчилар экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Россиянинг Новосибирск шаҳридаги "Восточный экспресс" масъулияти чекланган жамияти билан 2,3 миллион АҚШ доллари миқдорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан шартнома туздилар.

Бир пайтлар кундалик эҳтиёж моллари ёки маҳсулотларни излаб, ўзини бозорга урган харидор эндиликда савдо дўконлари сари ошиқмоқда. Чунки у ўзи ёқтирган, излаган нарсаларни шу ердан топаётир. Маҳсулот нархи бозордагидан бирмунча арзон. Сифати эса кафолатланган. Ана шу сероблик, тўкинликда таъминотчиларнинг салмоқли ҳиссалари бор, албатта.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 28 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1552,96 | 1 Малайзия ринггити | 524,51 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2550,36 | 1 Польша злотийси | 552,46 |
| 1 Дания кронаси | 293,00 | 1 СДР | 2498,07 |
| 1 БАА дирҳами | 441,13 | 1 Туркия лираси | 1097,55 |
| 1 АҚШ доллари | 1620,20 | 1 Швейцария франки | 1645,04 |
| 1 Миср фунти | 284,50 | 1 евро | 2173,17 |
| 1 Исландия кронаси | 14,19 | 10 Жанубий Корея вони | 14,09 |
| 1 Канада доллари | 1581,45 | 10 Япония иенаси | 192,33 |
| 1 Хитой юани | 241,85 | 1 Россия рубли | 52,35 |
| | | 1 Украина гривнаси | 204,67 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Фаолиятини кенгайтирмоқчи

***Жаҳондаги етакчи савдо тармоқларидан бири саналган “Wal-Mart Stores” Жанубий Африканинг озиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдоси билан шуғулланувчи “Massmart Holdings” компаниясини сотиб олиши мумкин.***



“News24” ахборот агентлиги хабарига кўра, ҳозир мазкур масала юзасидан томонлар учрашуви бўлиши кутилмоқда. Ўз навбатида, шу кунларда “Massmart Holdings”нинг қимматли қоғозлар бозоридаги акциялари нархи ҳам ўн фоизга ошган.

“Wal-Mart Stores” вакилларидан бирининг таъкидлашича, мазкур келишувнинг амалга ошиши унинг Африка қитъасидаги бизнеси ривожланишига хизмат қилади.

### Тураржой биносида портлаш

***Бельгия пойтахти Брюссель шаҳридаги кўп қаватли тураржой биноларидан бирида портлаш содир бўлди.***

Бу ҳақда “Интерфакс” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Оқибатда икки киши ҳаётдан кўз юмган, ўн етти киши тан жароҳати олган. Бундан ташқари, учта хонадонга жиддий шикаст етган. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идораларининг маълум қилишича, портлаш газ сизиб чиқиши туфайли юз берган. Суриштирув ишлари давом этмоқда.

### Рекорд кўрсаткич қайд этилди

***Бразилиянинг “Petrobras” нефть компанияси ўзига бақувват инвесторлар гуруҳини шакллантирди, дея хабар тарқатди “Евроньюс” телеканали.***



Сармоядорлар муассаса акцияларини 79 миллиард АҚШ долларига баҳолашган. Бу дунёдаги нефть компаниялари орасида рекорд кўрсаткичдир. Келишувга асосан, 42,5 миллиард долларлик акциялар ҳукумат назоратида қолади. Бунинг эвазига компанияга янги нефть конларини топиш ва қайта ишлаш ҳуқуқи берилади.

### Жангарилар йўқ қилинди

***Покистоннинг Афғонистон билан чегарасида жангариларга қарши ҳарбий амалиёт ўтказилди.***

Унда Афғонистондаги халқаро коалиция кучларига қарашли иккита вертолёт босқинчилар қароргоҳига ҳаводан зарбалар берган. Махсус операция чоғида 30 нафар жангари ҳамда уларга тегишли объектлар йўқ қилинган.

### Биохилма-хиллик хавф остида

***2050 йилга бориб, Европа қитъасида яшаётган жониворларнинг 50 фоизи йўқ бўлиб кетиши мумкин.***

Бу ҳақда Европарламентнинг Страсбург шаҳрида бўлиб ўтган сессиясида маълум қилинди. Европа халқ партияси депутати Эстер Де Лангнинг айтишича, ҳозирда қитъанинг биологик хилма-хиллиги жиддий хавф остида. Хусусан, яна қирқ йилдан сўнг бу ерда яшаётган сут эмизувчиларнинг 42, қушларнинг 43, сувда ва қуруқликда яшовчи жониворларнинг 30, судралиб юрувчиларнинг 45 ва чучук сув ҳавзаларидаги балиқларнинг 52 фоизи қирилиб кетиши мумкин экан. Изоҳланишича, бундай ҳолатнинг келиб чиқишига нафақат экологик муаммолар, балки иқтисодий ишлаб чиқариш суръатларининг ошаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

**1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни**

***— Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, “Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан том маънода яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир”, — дейди Жиззах шаҳридаги 5-махсус соғломлаштириш мактабгача таълим муассасаси мудираси Мамлакатхон Эрматова. — Оилани оила қиладиган, келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни тарбиялаб камолга етказадиган, бу — аёл. Аёл миллатни тарбиялайди. Мен оналаримизни офтобга қиёслайман. Она меҳри, муҳаббати бола қалбига ёруғлик олиб киради. Мурғак кўнгилларни оламдаги жамики яхшиликларга, эзгу ҳисларга ошно этади... Мамлакатхоннинг бу сўзларини, аёлга, онажонларимизга берган таъриф-тавсифини унинг ўзига ҳам бемалол қўллаш мумкин.***

# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Қаҳрамонимиз чорак асрдан бери нутқида нуқсони бор, дудуқланиб гапирадиган, ҳатто, умуман тили сўзга келмайдиган болалар билан ишлайди. Ана шу йиллар ичида у 2000 нафардан зиёд болаларнинг тилини “ечган”, тўлақонли инсонлар бўлиб, катта ҳаётга қадам қўйишларига кўмаклашган. Шунинг учун бўлса керак, Жиззахда Мамлакатхон ҳақида гап кетса “мўъжизакор аёл” дейишади.

Суҳбатимиз аввалида ана шундан гап очдик.

— Дилда аниқ мақсад, ишонч — эътиқод бўлса, астойдил интилса, ҳар қандай одам ҳам мўъжиза яратишга қодир, — дейди у. — Буёғини сўрасангиз, менинг ўзим ҳам мўъжиза билан туғилганман...

Ажабланганимизни сезган Мамлакатхон яна суҳбат жиловини қўлга олади:

— Онам пиллакор эдилар. Менга ҳомиладорликларида барг сидираман, деб тутнинг тепасига чиқадилар-да... тошдек ерга тушадилар. Касалхонада кўз очган онамга дўхтирлар “Ҳомилангиздан воз кечишингизга тўғри келади. Акс ҳолда, болангиз ҳеч нарсага ярамайдиган ногирон бўлиб туғилади”, дейишади. Онам бўлса “Нима бўлса, пешонамдан кўрдим. Олдирмайман”, деб туриб оладилар. Вақти-соати етиб мен туғилганман. Мўъжиза рўй бериб, барчани лолу ҳайрон этиб, тўрт мучам соғ-омон дунёга келганман...

Мамлакатхоннинг отаси тракторчи бўлса ҳам кулоллик етти пуштидан мерос, бобо касби эди. Бўш пайтлари, кўпинча кечалари лойдан ҳар хил ўйинчоқлар, ҳуштаклар ясарди. Онаси ҳам пиллакор бўлиш билан бирга, қўли гул чевар, боз устига, умр йўлдошига жўр бўлиб қовоқдан, қамишдан най, сурнай ясарди. Уларнинг хайрли, савобли ишлари ҳам бор эди. Маҳалладош-ҳамқишлоқлари тили сўзга келмайдиган, дудуқ болаларини уларнинг ҳузурига келтиришар, Мамлакатхоннинг ота-онаси бундай болаларга ҳуштак, най, сурнай чалдириб, шу йўл билан улар тилини “ечишарди”. Кичкинтой Мамлакат эса ота-онаси атрофида ўралашиб, лойдан, ҳар хил қийқимлардан ўйинчоқлар, қўғирчоқлар ясар, дугоналарига улашарди... Биринчи синфдалигида “Алифбо”ни ўргатган устози Хайрихон муаллимга, унинг айтган эртакларига ишқи тушди...

...Институтни тамомлаб, Жиззах туманидаги Ал-Хоразмий номли мактабга келди. Мактаб маъмуриятини ҳайрон қолдириб, энг қолоқ, тўполончи, “иккичи” синфни сўраб олди. Изланиб, интилиб уларни аълочилар сафига қўшди.

Анча йиллар олдин иқтидорли муаллимани Жиззах шаҳридаги махсус боғча мудираси Мўътабархон Шамсиева излаб келди.



— Боғчамизда, асосан, нутқида нуқсони бор, ақлан заиф болалар тарбияланади, — деди Мўътабархон опа. — Сизнинг бу соҳада яхшигина тажрибангиз борлигидан хабардормиз. Бизга ўтсангиз...

— Хўп, — дея рози бўлди Мамлакатхон.

Қаҳрамонимиз болажонлиги, катта меҳри, ишонтириш қобилияти, ясаган бири-биридан чиройли қўғирчоқлари воситасида театрлаштирилган эртаклари, най наволари билан болаларни маҳлиё этарди. Уларнинг ўз онаси, опасига айланганди.

Бу орада “Амир Темур”, “Жиззах гўзаллари” каби қўғирчоқлари билан мамлакат миқёсидаги танловларда қатнашиб, совриндор бўлди. Нутқи заиф болалар билан ишлаш бўйича тажрибаларини, кузатишларини қоғозга тушириб, методик қўлланмалар яратди. Унинг иш услубини мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида кенг қўллайдиган бўлишди. Ҳатто, америкалик, малайзиялик, ҳиндистонлик, япониялик олимлар ўзбек тарбиячиси, унинг иш услуби билан қизиқиб қолишди.

— Энг қувончли кунингизни эслай оласизми? — сўраймиз Мамлакатхондан.

— Менинг қувончли кунларим кўп, — дейди у. — Яхши гапиролмайдиган, тили чучук болаларнинг маълум вақт ўтиб, тинимсиз машқлардан сўнг бурро-бурро сўзлаётганларини кўрганимда, ўзимда йўқ қувониб кетаман, чарчоғим чиқади. Яна мамлакат миқёсидаги “Йил аёли — 2009” танловида мутлақ ғолибликни қўлга киритганим, умр йўлдошим, суянар тоғим Юсуфжон акам билан ҳамнафасликда фарзандларимни тарбиялаб, камолга етказиб, элга қўшганим... Набираларимнинг дунёга келиши...

Мамлакатхоннинг галдаги режалари билан қизиқамиз.

— Бу йилдан боғчамиз 5-махсус соғломлаштириш мактабгача таълим муассасасига айлантирилди. Мен эсам шу муассасани бошқарадиган бўлдим, — дейди у. — Вилоятимиз раҳбарлари ишимиз кўламини кўриб, икки қаватли бино ажратишди. Айни кунларда бу ерда капитал реконструкция ишлари кетаяпти. Ўзбекистонимизнинг турли бурчакларидан кўплаб ота-оналар тилида туғма нуқсони бор болаларини тарбиялаб, тузатиб беришимизни илтимос қилиб келишаяпти. Шунинг учун муассасамизни республика миқёсидаги ихтисослаштирилган ўқув юртига айлантириш ниятимиз бор...

— Яна қандай савол беришимизни хоҳлардингиз? — хайрлашаётиб сўраймиз Мамлакатхондан.

— “Сиз илҳомни қаердан оласиз?” деб сўрашингизни кутгандим, — дейди шодон кулиб қаҳрамонимиз. — Энди айтай, мен илҳомни, куч-қувватни вилоятимизда жойлашган Амир Темур дарвозасидан, мард ва доно Юртбошимизнинг ҳар бир қалбни уйғотиб юборадиган, ҳаётбахш нутқларидан оламан. Юртимизда улуғ Истиқлол йилларида рўй берган ўсиш-ўзгаришлар, қурилиш-бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг яратувчилик меҳнати менга олам-олам завқ бағишлайди. Шундай юртга, Президентимизга, халқимизга муносиб бўлсам, дейман. Шунга интиламан.

**Али ЗИЁДОВ.**

**Nestle Nestle Uzbekistan MChJ**

***ўз офиси ва Тошкент шаҳрида қурилаётган заводи ходимлари учун умумий овқатланишни ташкил этиш бўйича корхоналар ўртасида танлов эълон қилади.***

**Танловда иштирок этиш аризасига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш лозим:**
- *юридик шахс уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
- *юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
- *умумий овқатланишни ташкил этишга рухсат берилган ҳужжатларнинг нусхалари;*
- *юридик шахс муҳри билан тасдиқланган корхона раҳбари ва бош бухгалтерини ишга тайинлаш бўйича таъсисчиларнинг қарори (буйруғи);*
- *раҳбар ва бош бухгалтер паспортлари нусхалари;*
- *ўтган давр бўйича молиявий ҳисобот: баланс, молиявий натижалар ҳақида ҳисобот, пул оқими ҳақида ҳисобот, дебитор/кредиторлар ҳақида маълумотнома, 2009 йил бўйича пул айланмаси ҳақида банк маълумотномаси, ариза берилаётган санагача картотека бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида банк маълумотномаси.*

**Умумий талаблар:**
- *миллий ва Европа таомларини тайёрлаш;*
- *ошпазлар мутахассислик бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлишлари лозим;*
- *маҳсулотларни ташиш учун махсус транспорт (санитария паспорти билан);*
- *ишни ташкил этиш ва СанПИН 083 бўйича барча талабларни бажариш;*
- *ошхона ишини ҳафтада 7 кун суткасига 24 соат юритиш — сменали иш тартиби;*
- *ижрочи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сабзавот ҳамда ҳўл мевалар чиқиндиларини утилизация қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;*
- *хизматлар таомлар ассортиментига кўра, буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги келишувга асосан кўрсатилади.*

**Овқатланишни ташкил этиш жадвали:**
- кундузги смена — соат 12.00 дан соат 14.00 гача (ҳар куни) 90 киши;
- кечки смена — соат 20.00 дан соат 21.00 гача (ҳар куни) 20 киши;
- тунги смена — соат 04.00 дан соат 05.00 гача (ҳар куни) 20 киши.

**Танловда иштирок этиш учун ариза беришнинг сўнгги муддати — 2010 йил 8 октябрь куни кечгача.**

**Ҳужжатларни қуйидаги манзилга юбориш лозим: Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор 7-тор кўчаси, 9-уй.**

**Танлов ўтказилиши масалалари бўйича қуйидаги телефон орқали мурожаат қилиш мумкин: (998-71) 140-06-00.**

**Мулоқот учун шахс — Альбина Бекметова, маъмурий масалалар бўйича мутахассис.**

898R/1107

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

***Пойтахтимизда “Ўзсаноатқурилишбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки ва Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси ҳамкорлигида “Банк фаолиятини амалга оширишда ҳакамлик судлари билан ҳамкорлик” мавзуидаги ўқув-семинар машғулоти бўлиб ўтди.***

**Тадбир**

Ҳакамлик судлари ва банк ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида ўтказилган тадбирда ушбу молия муассасасининг жойлардаги филиалларида фаолият юритаётган ҳуқуқшунос-маслаҳатчилар иштирок этишди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди ҳамда ярашув институти жорий этилди. Айни чоғда суд-ҳуқуқ тизимида демократик тамойилларни кучайтириш, суд ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган миллий стратегиянинг мантиқий давоми сифатида ҳакамлик судлари ташкил этилди. Яъни 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги 120 давлат қаторида “Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисида”ги 1958 йилги Нью-Йорк Конвенциясига қўшилиши муносабати билан судловнинг янги, нодавлат тури — ҳакамлик судлари фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳозирги кунда ушбу судлар самарали иш юритмоқда. 2007 — 2010 йилларда улар томонидан жами 43 миллиард 300 миллион сўмликдан зиёд 10 мингдан кўпроқ иш кўрилди. Бунда мамлакатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва шу асосда ишлаб чиқилган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонун ҳуқуқий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Шунингдек, семинарда ҳакамлик судлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, шартномавий-ҳуқуқий низолар юзасидан талабнома-даъво ишларини юритиш, шартнома ижроси бўйича етказилган зарарни аниқлаш борасида қўлга киритилган ютуқлар баробарида, ўз ечимини кутаётган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Айни чоғда ҳакамлик судлари ва банк ҳамкорлигининг келгуси истиқболлари хусусида ҳам қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зеро, бу борадаги ҳамкорлик тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
ИП ООО «PAKHTAKABEL ZAVODI»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию
- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².
E-mail: pakhtakabel@mail.ru
Адрес: 100057, г. Ташкент, ул. Уста Ширин, 136.
Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.
Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60,40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

SONATA
Ўз йўлингни танла!
Drive your way



Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси автомобиль йўллари ва аэродромлар кафедраси катта ўқитувчиси Барно Салимовага волидаи муҳтарамаси ҳамда шу кафедра профессори Аъло Қодировага опаси **Раъно САЛИМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт ● Sport ● Спорт

# «TASHKENT OPEN – 2010» СОВРИНДОРЛАРИ



Бир ҳафта давомида пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортлари аёллар теннис уюшмаси — WTA туркумига кирувчи “Tashkent open — 2010” анъанавий халқаро турнирига мезбонлик қилди.

Мукофот жамғармаси 220 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур нуфузли мусобақанинг жорий йилгисида мезбонлардан ташқари Россия, Руминия, Беларусь, Швейцария, Хитой, Ҳиндистон, Италия, Греция, Словакия, АҚШ, Франция каби йигирмага яқин мамлакатдан келган теннис усталари ўзаро куч синашдилар.

Албатта, бундай нуфузли мусобақанинг айнан мамлакатимизда ўтказилишининг ўзига хос сабаблари бор. Хусусан, теннис юртимизда жадал ривожланаётган спорт тури ҳисобланади. Зотан, ҳамюртларимизнинг халқаро спорт майдонларида эришаётган ютуқлари йилдан-йилга яхшиланиб бораётгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Қолаверса, пойтахтимиз ва жойлардаги замонавий теннис кортларида ҳар қандай халқаро турнирларни ўтказиш имконияти мавжуд.

Ўн иккинчи бор ташкил этилган мусобақа финалида россиялик Елена Веснина ва Алла Кудрявцева кортга чиқди. Финал учрашуви олдидан мутахассислар ҳар иккала теннисчининг имкониятини тенг баҳолашганди. Муросасиз ўтган беллашувда омад 6/4, 6/4 ҳисобида Алла Кудрявцевага кулиб боқди. Айнан шу теннисчи чорак финалда ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродовани мағлубиятга учратганди. Жуфтлик баҳсларида Татьяна Пучек (Беларусь) ва Александра Панова (Россия) ғалаба қозонди.

— “Tashkent open” шу туркумга кирувчи турнирлардан ўз нуфузи билан алоҳида ажралиб туради, — дейди А. Кудрявцева. — Буни мусобақада дунё теннис таснифида юқори поғоналарда турувчи спортчилар қатнашаётганлиги ҳам исботлайди. Тошкент мен учун доимо қадрли бўлиб қолади. Айниқса, менга ўзбек миллий либоси совға қилингани жуда маъқул бўлди. Бу менга доимо Ўзбекистонни эслатиб туради. Теннисчиларингиздан Оқгул Омонмуродова, Ирода Тўлаганова, Нигина Абдураимова билан яхши танишмиз. Оқгулнинг тезкор тўп узатишлари ҳар қандай теннисчини қийин аҳволга солиб қўяди, десам, асло муболаға бўлмайди.

Халқаро турнирнинг тантанали ёпилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

## ОБ-ҲАВО



**(28 сентябрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 8-10, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

***Мустақиллик туфайли ота-боболаримиздан мерос бўлган миллий ҳунармандчилик эъзоз топди. Халқ амалий санъати қадрланди. Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 30 мартдаги “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини анча кенгайтирди. Бугун халқ бадиий ҳунармандчилиги билан машғул хотин-қизларни юртимизнинг ҳар бир қишлоғи, маҳалласида учратиш мумкин.***

# СЎЗАНАЛАР ЖИЛОСИ

Мерос



Шофиркон туманидаги “Боғиафзал” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Муҳаббат Қўчқорова ана шуларнинг бири. Уйда каштачилик билан шунчаки шуғулланиб юрган Муҳаббатнинг илк ишлари турмуш ўртоғи Фарҳод Рамазоновни қизиқтириб қолди.

— Менга уларда нимадир бордек туюлди, — дея эслайди Фарҳод. — Тошкентга борганимда халқ амалий санъати музейидаги сўзаналарни обдан кузатгач, Муҳаббатнинг каштачилик буюмларидан намуналарни Бухоро шаҳрига олиб бордим. “Ситораи Моҳи Хосса” музейида “Бадиий каштачилик” бўлими бор. У ерда қадимий сўзаналар сақланади. Музей мутахассислари бизга йўл-йўриқ кўрсатишди, қимматли маслаҳатлар беришди.

Шу тариқа, изланишлар бошланди. Каштачилик — жуда машаққатли, сабр-тоқат, кўз нури, қалб ҳароратини талаб қиладиган касб. Муҳаббатнинг ўз услубини топиш йўлидаги ҳаракатлари аста-секин натижа бера бошлади. Энди у оддий матолар эмас, ипакдан тайёрланган бўз ва адрасларга бетакрор манзараларни тушира бошлади. Фарҳод эса ўсимликлар, чунончи, исириқ, ширинмия, шунингдек, ёнғоқ барги ҳамда пўчоғидан табиий бўёқлар тайёрлаш технологиясини ўзлаштирди. Уларнинг каштачилик буюмлари турли кўргазмалардан ўрин ола борди. Муҳаббат Қўчқорова 2007 йилда “Ташаббус” кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқди.

— Биз, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турган Юртбошимиздан миннатдормиз, — дейди Муҳаббат. — У кишининг эътибори, ғамхўрлиги туфайли халқ амалий санъатининг унутилаёзган турлари қайта равнақ топди. Ёшларга ҳунаримизни ўргатаяпмиз. Ҳозир туманларда, ҳатто қўшни вилоятларда ҳам буюртмамиз асосида сўзана тикаётган, элюртга, оиласига наф келтираётган хотин-қизлар кўпаймоқда. Улар сони 200 нафардан ошди.

Ҳунар этагидан тутиб кам бўлмадик. Рўзғоримиз бут, турмушимиз обод. Биз тиккан серoccupation жилва сўзаналар дунё бўйлаб кезмоқда. Хорижлик сайёҳлар уларни харид қилишаяпти. Сержило сўзаналаримиз уларга серқуёш Ўзбекистонни, юртимизнинг бағрикенг, қўли гул одамларини эслатиб туради. Тупроғи тиллога тенг ўлкамизни дунёга танитади. Бундан ғururланмай бўладими?!

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА

***Ўзбекистон давлат санъат институтида “Мен сизни биламан” деб номланган фото танлови бўлиб ўтди.***

Танлов

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Қизил яримой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ҳамкорлигида Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирда пойтахтимиздаги ўттиздан зиёд олий ўқув юртларининг энг иқтидорли талабалари ўз ижодий ишлари билан иштирок этди. Танловга қўйилган асарларда Ватан мавзуси етакчи ўринда бўлиб, уларда юртимизнинг гўзал табиати, бунёдкор одамлари ҳаёти, қадимий обидалар, замонавий иншоотлар тасвирга олинган. Анъана ва қадриятлар, урф-одатларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти бири-бирини такрорламайдиган фотолавҳаларда атрофлича акс эттирилган.

Тадбир якунида танлов ғолиблари ва иштирокчилари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Г. АБДУВАҲОБОВА.**


ХАРИДОРЛАР ВА ТАЪМИНОТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

UZBEKNEFTEGAZ

Shurtan GAS CHEMICAL COMPLEX

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:









- экологик хавфсиз, диаметри 25 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларни боғловчи деталлар;
- турли рангдаги, қурилишда безак ишлари учун фойдаланиладиган алюмин композит панеллари;
- деҳқончилик билан шуғулланувчи фермерлар учун томчилаб суғориш тизимининг бутловчи қисмлари.

Тўлов шакли — турлича.

Манзилимиз: 181300, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.
Мурожаат учун телефонлар: (8-375) 221-02-27, 221-09-04, (+998 98) 777-01-40.
Факс: (8-375) 780-85-51, 221-08-46.
E-mail: marketing9@sgcc.uz, sgcc@sgcc.uz

878R/1097



**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Наманган вилояти филиали**

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Наманган вилояти хўжалик судининг 2009 йил 31 майдаги 16-1004/4772-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Наманган шаҳри 5-«А» кичик туманда жойлашган Наманган шаҳар «Шароб савдо» ихтисослаштирилган база-шуъба корхонасига қарашли «Водий» номли чойхона бино ва иншоотлари (жами хоналар сони — 19 та, қурилиш ости майдони — 566,87 кв.м., фойдали майдони — 486,02 кв.м.) гаров шартномасига асосан бошланғич баҳоси — 267 148 272 сўм.

**2.** Наманган вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 декабрдаги 16-0805-13031-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Наманган шаҳри ҳудудида жойлашган, «Нотўқимачи» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 8 қаватли, 107 та хона ва 4 та ўтиш жойидан иборат маъмурий бино, қурилиш ер ости майдони — 547,83 кв.м., ҳажми — 13779 м.куб. Бошланғич баҳоси — 587 771 193 сўм.

**3.** Наманган вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 декабрдаги 16-0805-13031-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Наманган шаҳри ҳудудида жойлашган, «Нотўқимачи» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли 2 қават, 37 та хонадан иборат ошхона биноси, қурилиш ер ости майдони — 365,35 кв.м., ҳажми — 4970 м.куб. Бошланғич баҳоси — 179 734 252 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 12 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933850.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.**

www.rkmb.uz

*Лицензия: DB 001 № 000004.*

912R/404



***Компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!***

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги**
**БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ**
очиқ тендер савдолари эълон қилади.

**ТТ-2010-IV. 2004—2009 йилларда ишга туширилган болалар спорт мажмуалари ва спорт залларини қўшимча жиҳозлаш учун спорт жиҳозлари ҳамда ускуналарини етказиб бериш (харид қилиш миллий валюта — сўмда амалга оширилади).**

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлими белгиланган.

Тендер савдоларида юқорида кўрсатилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва/ёки етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий фирма ҳамда ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер савдоларида иштирок этишга қуйидаги фирма ва ташкилотлар қўйилмайди:**

— қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлган;
— тендеролди саралаш босқичи (квалификационный отбор) учун барча талаб қилинган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
— илгари тузилган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажармаган;
— тендер савдоси эълон қилингунга қадар 6 ойдан кам муддат ичида ташкил этилган;
— буюртмачи билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётган;
— тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий кўрсаткичлари талабларига жавоб бермайдиган.

***Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 27 октябрь куни соат 15.00 гача.***

Талабгорлар тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қўшимча маълумотларни ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминлаш бўлимидан олишлари мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.
Тел./факс: (8-371) 239-47-69, 239-47-56.

911R/1136



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 04.05 Топширилди — 04.45

1 2 3 4 5